

**Саноат ишлаб чиқаришнинг энергия
самарадорлигини аниқлаш бўйича услубий Низом**

Ушбу услубий Низом “Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига биноан саноат ишлаб чиқаришнинг энергия самарадорлиги, шунингдек, ёқилғи-энергетика тармоғини тавсифловчи алоҳида кўрсаткичлар бўйича статистика ахборотларини шакллантириш тартибини белгилайди.

Услубий низом Халқаро энергетика агентлиги тавсияларига асосланган бўлиб, давлат статистика органлари томонидан саноат ишлаб чиқаришнинг энергия самарадорлиги ҳисоб-китобларини амалга оширишда фойдаланиш учун мўлжалланган.

Энергия манбаларининг самарадорлиги бир вақтнинг ўзида узоқ муддатли энергия хавфсизлиги ва иқтисодий ўсишга ҳисса қўшиши мумкин. Энергия сарфини камайтириш ёки чекланишини ҳисобга олган ҳолда энергия самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар энергия нархларининг кўтарилишига, энергия инфратузилмасидаги стресснинг кучайишига ва электр таъминоти тизимидаги узилишларни чидамлилигини ошириши мумкин.

1. Умумий қоидалар

1. Ушбу услубий низомда қуйидаги асосий тушунча ва таърифлар қўлланилади:

корхонанинг энергия самарадорлиги (ЭЭ) — маҳсулот таннархи таркибида энергия харажатларининг улуши;

ишлаб чиқаришнинг энергия самарадорлиги – саноат ишлаб чиқариш жараёнида асосий ва ёрдамчи технологик жараёнлар учун ёқилғи ва энергия сарфини тавсифловчи кўрсаткич;

ёқилғи – асосий таркибий қисми углероддан иборат бўлган модда бўлиб, уни ёқишда иссиқлик энергияси олиш мақсадида қўлланилади;

ёқилғи – энергетика ресурслари (ТЭР) – ишлаб чиқариш, маиший ва экспорт эҳтиёжларини таъминлаш учун мамлакатда мавжуд бўлган ёқилғи ва энергиянинг турли хил турлари (нефтни қайта ишлаш, газ, кўмир, торф ва сланец саноати маҳсулотлари, атом ва гидроэлектрстанциялар электр энергияси, шунингдек, маҳаллий ёқилғи маҳсулотлари) йиғиндиси;

энергетика – энергия ресурсларини, турли хил энергия манбаларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, узатиш ва улардан фойдаланишни қамраб оловчи саноат комплекси;

иссиқлик энергияси – иссиқлик таъминоти қурилмаларида иситиш учун ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар;

ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари (ишлар, хизматлар) таннархи – ҳисобот даврида бошқа томонга, ўзининг капитал қурилишига, ўз корхонасининг носаноат бўлинмаларига берилган ўзи ишлаб чиқарган тайёр маҳсулот, ярим тайёр маҳсулотлар, ҳисобот даврида ишлаб чиқарилиши тугалланмаган узоқ муддатли жараёнда тайёрланувчи маҳсулотни тайёрлаш бўйича ишлар, саноат хусусиятига доир бажарилган ишлар ва хизматлар қийматини ўз ичига олади;

ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолига қилинган умумий харажатлар – ташкилотнинг ёқилғи-мойлаш материаллари, иссиқлик таъминоти, электр энергияси истеъмоли ва газ таъминотида умумий харажатлари.

2. Энергия самарадорлигини ҳисоблаш манбалари

2. Энергия самарадорлигини ҳисоблаш учун ахборот манбаи бўлиб қуйидаги давлат статистика ҳисоботлари бирламчи статистик маълумотлар ҳисобланади:

- 1-korxona shakli (йиллик) “Ташкилот хўжалик фаолиятининг асосий кўрсаткичлари тўғрисида ҳисобот” (тижорат корхоналари томонидан, кичик тадбиркорлик субъектлари, фермер хўжаликлари, банклар ва суғурта ташкилотларидан ташқари тақдим этилади);
- 1-energo (sarflash) shakli (йиллик) “Ёқилғи ва энергия келиб тушиши, сарфи ва қолдиқлари тўғрисида” (Тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахслар (кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари), нотижорат ташкилотлари (ўрнатилган рўйхат бўйича);
- 1-KB shakli (йиллик) “Микрофирма ва кичик корхонанинг ҳисоботи” (микрофирма ва кичик корхоналар томонидан тақдим этилади).

3. Энергия самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоблаш усули

3. Корхоналар бўйича энергия самарадорлигининг умумий мақсадли кўрсаткичлари қуйидагича ҳисобланади:

- корхонанинг энергия самарадорлиги (ЭЭ) қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$ЭЭ = \frac{ССЗ_{тэр}}{СПП} * 100 \%,$$

бу ерда:

$ССЗ_{тэр}$ – ёқилғи-мойлаш материаллари, иссиқлик таъминоти, электр энергияси истеъмоли ва газ таъминотига умумий харажатлар, минг сўм;

$СПП$ – ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари (ишлар, хизматлар) таннарни, минг сўм.

– электр энергияси истеъмолига қилинган харажатларнинг $CCЗ_{тэр}$ даги улуши ($Д_{эл}$) қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Д_{эл} = \frac{З_{эл}}{CCЗ_{тэр}} * 100 \%,$$

бу ерда:

$З_{эл}$ - электр энергияси истеъмолига қилинган харажатлар, минг сўм.

– ёқилғи истеъмолига қилинган харажатларнинг $CCЗ_{тэр}$ даги улуши ($Д_m$) қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Д_m = \frac{З_m}{CCЗ_{тэр}} * 100 \%,$$

бу ерда:

$З_m$ - ёқилғи истеъмолига қилинган харажатлар, минг сўм.

– иссиқлик энергияси истеъмолига қилинган харажатларнинг $CCЗ_{тэр}$ даги улуши ($Д_{тэ}$) қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Д_{тэ} = \frac{З_{тэ}}{CCЗ_{тэр}} * 100 \%,$$

бу ерда:

$З_{тэ}$ - иссиқлик энергияси истеъмолига қилинган харажатлар, минг сўм.

Маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнида ёқилғи-энергетика ресурсларининг ҳар хил турларидан фойдаланилган тақдирда, ёқилғи-энергетика ресурсларини шартли ёқилғи бирлигига қайта ҳисоблаб, маҳсулотларнинг энергия сарфи кўрсаткичлари аниқланади. Шу билан бирга, ёқилғи-энергетика ресурсларини истеъмол қилиш фақат асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш жараёнлари учун ҳисобга олинади, бунда иситиш, ёритиш, маиший ва бошқа эҳтиёж учун харажатлари ҳисобга олинмайди.

Маҳсулотларнинг энергия самарадорлигини ҳисоблашда, чиқиндилар ёки ундан маҳсулот сифатида олинган иккиламчи энергия манбаларининг барча турлари (агар улар кейинги ишлаб чиқариш жараёнларида ишлатилса ҳам) чиқариб ташланади.

Ўз эҳтиёжлари учун энергия ресурсларини истеъмол қилиш ҳажмининг база йилидаги истеъмол даражасига нисбатан пасайишини тавсифловчи кўрсаткичларга қуйидагилар киради.

- электр энергиясини тежаш (минг кВт соат);
- иссиқлик энергиясини тежаш (Гкал);
- газни тежаш (кубометр);
- нефт маҳсулотларини тежаш (тонна ёқилғи эквиваленти);
- кўмирни тежаш (тонна);

Энергия ресурсларини етказиб бериш ва тақсимлашнинг энергия самарадорлигини оширишни тавсифловчи кўрсаткичларга энергия ресурсларини етказиб бериш ва тақсимлашдаги йўқотишларни камайтириш кўрсаткичлари киради.

4. Якуний қоидалар

4. Саноат ишлаб чиқаришнинг энергия самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоблаш ва эълон қилиш Давлат статистика қўмитасининг Саноат статистикаси бошқармаси томонидан йилда бир марта амалга оширилади.

5. Энергия самарадорлиги бўйича ҳисоб-китоблар натижалари фойдаланувчиларнинг сўровига асосан тақдим этилади.

Фойдаланилган манбалар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги 207-сон қарори, 3б-сон илова.
2. Международные рекомендации по энергетической статистике (МРЭС) ООН, 2019.
3. Показатели энергоэффективности: основы статистики// OECD/IEA, International Energy Agency, 2014.
4. Общие подходы к разработке рекомендаций по составлению топливно-энергетического баланса//Статкомитет СНГ, 2004.